БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 212 (3713)
ДУШАНБА
18 СЕНТЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Қурилиш конвейерига—аниқ маром

УЗЛУКСИЗ УСУЛГА РИОЯ ҚИЛИБ

К. П. ДУДИН,
Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари

КПСС Марказий Комитетининг декабрь пленуми моддий меҳнат ресурслари ҳамда маблағларни ўнинчи беш йиллик план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатувчи йўналишларга ўз вақтида жамланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Айни пайтда иш сифати ва самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида аҳамият берди.

Қурилишда бу энг авало куч ва воситаларни тарқатиб юбориш ҳолларига чек қўйиш, уларни халқ хўжалигининг муҳим объектларига жамлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ишларини кечиктиришга чек қўйиш, тугалланмаган қурилишлар сонининг кўпайишига, план ва шартнома интизомини бузишга йўл қўймаслик демакдир.

Шаҳардаги партия ташкилотлари КПСС XXV съезди қарорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳрини комплекс қуриш ва ободонлаштириш ишлари суръатини ошириш ва сифатини яхшилашни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги қарорини ҳаётга татбиқ қилиш учун изчиллик билан кураш олиб боришяпти.

Унинчи беш йилликнинг фақат ўтган икки йили мобайнида 1560 минг квадрат метр турар жой, 17328 ўринли мактаб, 5920 ўринли мактабгача тарбия муассасаси, 300 ўринли касалхона, қатор ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тошкент метрополитенининг биринчи участкаси муддатидан олдин ишга туширилди, йирик кўприк ва ер ости ўтиш йўллари, янги хиёбонлар бунёд этилди, канал ва ариқларнинг тармоқлари ободонлаштирилмоқда.

Киров, Ленин, Октябрь, Собир Раҳимов ва шаҳардаги бошқа районларнинг эски турар жой кварталлари реконструкция қилинмоқда. Фрунзе, Ҳамза, Куйбишев ва Сергели районларида турар жой массивлари йирик саноат корхоналари транспорт магистраллари яқинларида бунёд этилмоқда. Айни пайтда массивнинг ривожланишида аҳолига яратиладиган қулайликлар ҳисобга олинаяпти.

Шу билан бир қаторда Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигининг ўсиши, хўжалик қурилиши ҳажми ва қўламининг ошиб бориши, социал-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги вазифалар шаҳар партия ташкилотлари, халқ депутатлари Совети ижроия комитетларидан капитал қурилиши ишлари масалаларига комплекс ёндошишни тақозо этади.

Шу йилнинг апрель ойида шаҳар партия комитети бюроси ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети 1978 йил капитал қурилиш планининг бажарилишини таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб берди. Бу планда турар жой массивларини бунёд этишда узлуксизлик комплекс поток усулига амал қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Тошкентда ўнинчи беш йилликда тўрт миллион квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилиши кўрсатиб ўтилди, турар жой биноларини социал ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари билан комплекс ҳолда бунёд этиш тартиблари белгилаб берилди. Шу билан бир қаторда шаҳар қурилиши беш планида инженерлик таъминоти, транспорт ва алоқанинг ривожланиш истиқболлари ҳам ҳисобга олинган.

(Давоми 2-бетда).

Барча резервлар—ишлаб чиқаришга

Марра яқин

СССР янги Конституциясининг бир йиллиги нишонланадиган кун яқинлашиб келмоқда. Шодиёнани муносиб кутиб олиш ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи учун шарафли. Қўйлиқдаги 2-темир-бетон буюмлари заводининг В. А. Тихомиров бошчилигидаги формовкачилар бригадаси аъзолари байрамгача уч йиллик планни бажаришга аҳд қилишган.

БУГУН

коллектив беш йиллик бошидан бери тайёрлаган йиғма темир-бетон 17 минг 436 куб метрдан ошди.

— Бригадамиз ишчилари ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Яна 174 куб метр йиғма темир-бетон тайёрлаб, 27 сентябрда уч йиллик маррани эгаллаймиз,— дейди бригадир В. А. Тихомиров.

Коллектив бундай катта муваффақиятга иш вақтидан унумли фойдаланиб, илғор технологик асосида ишлаётганлиги туфайли эришмоқда.

Коммунистик меҳнат зарбдори Раиса Путилина подшипник ремонти заводи роликлар цехининг зарбдор сараловчиси. Кўплар қатори у ҳам беш йиллик шахсий топшириқларни 3,5 йилда бажаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: Р. Путилина.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Энгельс кўчасида қад кўтараётган 32 квартирали турар жой биносини Меҳнат Қизил Байроқ ордени 159-қурилиш трести 13-қурилиш бошқармасининг Владимир Пискохо бошлиқ комплекс бригадаси бу йил айниқса яхши меҳнат қилялти. Бу йил бригада қурувчилари тўрт қаватли турар жой бинони ва 120 ўринли ётоқхона қурилишини битказиб фойдаланишга топширишди. Ҳозир эса Охунбобоев майдонида 104 квартирали уй-жой қурилишида бригада пудрати методи асосида механизация воситаларини кенг жорий этилиши туфайли бу иш муддатидан ўн беш кун илгари тугалланди.

СССР Конституцияси қабул қилинган кунни муносиб кутиб олишга аҳд қилган коллектив шу кунларда ғайрат билан ишламоқда.

БУГУН

ОБЪЕКТДА ҒИШТ ТЕРИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ.

Ишлаб чиқаришга кичик механизация воситаларини кенг жорий этилиши туфайли бу иш муддатидан ўн беш кун илгари тугалланди. СССР Конституцияси қабул қилинган кунни муносиб кутиб олишга аҳд қилган коллектив шу кунларда ғайрат билан ишламоқда.

СУРЪАТНИ ОШИРИБ

«Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трести 13-қурилиш бошқармасининг Владимир Пискохо бошлиқ комплекс бригадаси бу йил айниқса яхши меҳнат қилялти. Бу йил бригада қурувчилари тўрт қаватли турар жой бинони ва 120 ўринли ётоқхона қурилишини битказиб фойдаланишга топширишди. Ҳозир эса Охунбобоев майдонида 104 квартирали уй-жой қурилишида бригада пудрати методи асосида механизация воситаларини кенг жорий этилиши туфайли бу иш муддатидан ўн беш кун илгари тугалланди.

СССР Конституцияси қабул қилинган кунни муносиб кутиб олишга аҳд қилган коллектив шу кунларда ғайрат билан ишламоқда.

БУГУН

ОБЪЕКТДА ҒИШТ ТЕРИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ.

Ишлаб чиқаришга кичик механизация воситаларини кенг жорий этилиши туфайли бу иш муддатидан ўн беш кун илгари тугалланди. СССР Конституцияси қабул қилинган кунни муносиб кутиб олишга аҳд қилган коллектив шу кунларда ғайрат билан ишламоқда.

◆ БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли ирригация тармоқлари қурилиши трести коллективи беш йилликнинг учинчи йилида унумли ва сифатли меҳнат қилмоқда. Йил бошидан бери трест план топшириқларини ошириб бажаришга муваффақ бўлаётир. Бунга бўлималар ўртасида социалистик мусобақага натижасида эътибор берилиши, ишлаб чиқаришга илғор иш усуллари ва техника воситаларининг жорий этилиши туфайли эришилмоқда.

Трестда меҳнат белашуви тез-тез якунланиб турилади. Илғорлар эришган ютуқларининг омиллари ўрганиб чиқилади. Тажрибалар оммалаштирилади. Ўтган квартал якунига кўра бошқармалар ўртасидаги социалистик мусобақада М. Клубаков етакчилик қилаётган биринчи ихтисослаштирилган бошқарма ғолиблик қилди.

Бригадалар ўртасидаги беллашувларда 1-бошқармининг А. Кучинский, Н. Ильин, И. Баратов, 7-бошқармачинг Д. Умаров, 8-бошқарманинг Б. Валиев етакчилик қилаётган бригадалари пешқадамлик қилишди.

10-қурилиш бошқармасининг Н. Ганиев бошлиқ бригадаси ўтган йили москвалик ишлаб чиқариш илғорларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, СССР Конституциясининг бир йиллигигача беш йиллигининг уч йили планини бажаришга қарор қилган эди. Ҳозир бригада ўз ваъдасини муддатидан бир мунча илгари бажариб, келгуси йилнинг апрель ойи меҳнат календари бўйича ишлаётир.

Трестда вақтдан ўзиб ишлаётган коллективлар кўплаб топилади. Масалан, 6-механизация-лашган бошқармасининг И. Шваб бошлиқ экскаваторчилар экипажи 1979 йилнинг июль, А. Вострянов экипажи келгуси йилнинг февраль ва А. Фиц етакчилик қилаётган экипаж эса 1978 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига ишламоқдалар.

БУГУН

Бошқарма йўлсозлари 250 квадрат метрдан ортиқ йўл ва йўлкаларни асфальтлаб бўлишди.

Новаторларнинг техника ижодкорлигини оширайлик

Ижодий фикр кишиларининг ўй-фикрлари халқ хўжалигини ривожлантириш ишга, фан-техника тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда

Бугунги кунда Ўзбекистон пойтахтида 37 минг ихтирочи ва рационализатор ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, қўл меҳнатини енгиллаштириш, кам вақт ва маблағ сарфлаб юқори меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун актив ижодий иш олиб бормоқда.

Беш йилликнинг фақат ўтган икки ярим йилида 48,9 минг ихтирочилик ва рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 84 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, трактор, «Ташсельмаш» заводлари, «Ташсантехгазмонтаж» трести, шунингдек, бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ишлаб чиқариш новаторлари меҳнат унумдорлигини ошириш ва корхона фаоллиятида мураккаб бўлган техника ва ишлаб чиқариш муаммоларини тез ва соз ҳал этишда актив қураш олиб бормоқдалар.

Техника тараққиётига меҳнаткашларнинг умумий ижодий бирлашмаси — ижодий комплекс бригадалари, умумий патент ва конструкторлик бюролари. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятларн Советлари муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг 37 минг аъзоси ихтирочилик ва рационализатор л и к таклифларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда, ишлаб чиқаришга техника янгиликларини кенг қўллашда иштирок этмоқда

Бу ҳақда бўлиб ўтган шаҳар конференциясида «КПСС XXV съезди қарорлари асосида шаҳардаги қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналарида фан-техника тараққиётини тезлаштириш, ихтирочи ва рационализаторлар жамияти аъзолари, рационализаторлар, ихтирочилар фаоллиятларини янада активлаштириш имконини берувчи рекомендация қабул қилинди.

◆ ШАҲРИМИЗ МАКТАБЛАРИДА

Мактабда музей

Ўзбекистоннинг иккита йирик илмий-тадқиқот муассасалари — Ленин ордени Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё станцияси ташкил этилиши ва уларнинг ривожланиши тарихи тўғрисида ҳикоя қиладиган қарийб беш юз фотосурат ва ҳужжатлар, лаборатория приборлари ва бошқа материаллар СоюзНИХИ посёлкасидаги учинчи мактабда ўлкашунослик музейининг экспонатлари бўлиб қолди.

Музейнинг махсус бўлими мактаб ўқувчиларининг хамкишлоқларига —Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига бағишланган. Бу ерда совет халқининг озодлиги ва бахт-саодати учун олиб борилган жанглерда ҳалок бўлган 64 фронтчининг ҳар бири тўғрисида маълумотлар тўпланган.

Педагогликка бағишланди

Тошкентдаги 89-мактабда Низомий номли педагогика институти биринчи курс студентларидан юз кишининг касб танлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Улар бу ерда биринчи ўқув практикасини бошладилар.

Институт билан йигирма йилдан кўпроқ давр мобайнида дўстона алоқа қилиб келаётган мактабда бу анъана бўлиб қолган.

(ЎзТАГ).

«Узсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводи деталларни қайта ишлаш цехининг илғор токарлари — КПСС аъзолари Андрей Полев ва Юсуфжон Маҳмуджонов корхонанинг ветеран ишчиларидан ҳисобланади. Бу ишлаб чиқариш новаторлари смена-ойлик нормаларини мунтазам бир ярим-икки баробар адо этадилар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) А. Полев ва Ю. Маҳмуджонов.

М. Нуриддинов фотолари.

◆ «ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

◆ «Ямполликлар намунаси бўйича»— газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

◆ Финляндия фирмалари билан ҳамкорликда барпо этилаётган Костомукша кон-сарелаш комбинати бош корпуси пойдеворига тош қўйиш тантанали маросимида иштирок этган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва Финляндия Республикасининг Президенти У. К. Кекконен Петрозаводскда бўлдилар.

Карелия АССР Олий Совети Президиумида Карелия АССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Карелия область комитетининг биринчи секретари И. И. Сенькин А. Н. Косигин ва У. К. Кекконенни республика ҳукумати олий органининг фаолияти ва структураси билан, Карелия меҳнаткашларининг турмушининг барча соҳаларидаги муваффақиятлари билан, КПСС XXV съезди қарорлари, беш йилликнинг унинчи йили ва умуман беш йиллик топшириқлари қандай бажарилаётганлиги билан таништирди.

А. Н. Косигин ва У. К. Кекконенни «СССР — Финляндия» жамиятининг активистлари, шу жамиятнинг коллектив аъзоси — Петрозаводск корхоналари ва ташкилотларининг вакиллари қизғин қутиб олдилар.

Лиссабоннинг кескин кунлари

Халқаро мавзуда суҳбат

Португалия Республикаси машаққатли куз фаслини бошидан кечирмоқда. Ишсизлар сони рекорд даражага етди: сўнгги икки йил ичида ишсизлар икки баравар кўпайди. Португалия инфляциянинг ўсиш суръатлари жиҳатидан (бир йилда 30 процент) Ғарбий Европада биринчи ўринни эгаллайди. Бу мамлакат тўлов ва савдо балансларидаги камомати жиҳатидан ҳам Европада «рекорд»ни қўйди. Миллий валюта запасларининг ярмидан кўпроғи ажнабий банкларга қўйилган ва қайта қўйилган. Португал эскудосининг қадри тинмай тушиб бормоқда.

Португалияда ҳозирги вазиятнинг мураккаблиги жиддий молиявиқтисодий инқирозлик, пардангина иборат эмас. Ҳозирги вақтда Лиссабонда ички ва ташқи тартибнинг жуда кўп проблемаларини ҳал қилишга қодир бўлган барқарор ҳукумат йўқ.

Август ойининг охирида, касамёд қилган А. Нобре да Кошта ҳукумати 1974 йилги апрель революциясидан кейин тўққизинчи ҳукумат бўлди. Ана шу ҳолатнинг ўзи мамлакатда ғоят бекарор ички сиёсий аҳвол вужудга келганлигини кўрсатиб турибди. Ҳозирги кабинетни «мустақил амалий мутахассислар» кабинети деб аташади, чунки янги министрлардан бирортаси юзаки қаралганда партиявий мансубиятлар билан боғланмаган ва деярли уларнинг ҳаммаси ўтмишда экономист ёки инженер бўлишган.

Социал-демократ и к марказдан чиққан социалистлар билан консерваторлар ўртасидаги коалицион битим негизида шу йилнинг февраль ойидан буён ишлаб келган бундан аввалги М. Соареш ҳукумати социал-демократик марказнинг ўнг раҳбарлари социалистик партия таклиф қилган баъзи таклифларни ғоят «социалистик тадбирлар» деб ҳисобланларидан кейин барбод бўлганлигини эслатиб ўтайлик. Ҳақиқатда эса бу ҳукумат португал халқининг манфаатларига зутур етказган ҳолда ўз позицияларини бирин-кетин капиталистик монополияларга бўшатиб берди.

Нобре да Коштанинг янги кабинети ўз программасини парламент муҳокамасига тақдим этганидан кейин бу кабинетдан прогрессив характердаги бирон бир ўзгартишларни кутиш мумкин эмаслиги равшан бўлиб қолди. Португалия Компартияси Марказий Комитетининг яқинда Португалия пойтахтида бўлиб ўтган пленуми кўрсатиб ўтганидек, ҳукумат состави ҳам, унинг программаси ҳам «маҳбуп эмас» дир, фақат йирик капиталгагина наф келтирадиган бу программа меҳнаткашларнинг манфаатларига ва бутун португал халқи манфаатларига зиддир. Пленум ПКПнинг парламент группасига республика мажлисига ҳукумат программасини рад этувчи резолюцияни киритишни топширди.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, республика мажлисининг ҳозирги составида коммунистлар ва социалистлардан сайланган депутатлар кўпчилиги ташкил этади, шу боисдан кўпгина проблемаларнинг ҳал этилиши оқибат-натижада уларнинг тутган позициясига боғлиқдир. Коммунистлар ҳозирги вақтда вужудга келган вазиятда партия ва парламент негизида демократик ҳукуматни вужудга келтириш, ё бўлмаса янги сайлов қонуни негизида муддатидан илгари парламент сайловини ўтказишгина чўзилиб кетган сиёсий тангликдан қутулиш имконини беради, деб ҳисобламоқда. Бу конун республика мажлисида ги сўл партияларнинг кўпчилиги овози билан яқиндагина маъқулланган эди.

ПКП Бош секретари Алваро Куньял яқинда айтганидек, социалистлар билан коммунистлар ўртасида келишувга эришмай туриб чинакам демократик ҳукумат тузилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, деб таъкидлади у, меҳнаткашлар халқ оммаси ва уларнинг синфлари аввангарди — Португалия Компартиясининг иштироки-сиз Португалияда миллий проблемаларни ҳал этиш, демократияни ҳимоя қилиш мумкин эмас.

Нобре да Коштанинг мувақкат «амалий мутахассислар» кабинетининг тақдири яқин кунларда ҳал бўлиши мумкин, чунки кейинги маълумотларга кўра, социалистлар ҳам ҳозирги маъмуриятга ишончсизлик изҳор этилган резолюцияни парламент мухокамасига ўзи вола қилди, Лекин парламентда овоз беришнинг қандай тугашидан қатъий назар сиёсий беқарорлик ҳолати Лиссабонда ҳали узоқ вақт сақланиб қолади.

Е. БАБЕНКО,
(ТАСС).

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

Ҳашар йўли билан

Ҳар йили баҳор ва куз ойларида ўтказиладиган ободончилик икки ойликларида маҳалла ва корхоналарнинг коллективлари, студентлар ва ўқувчиларнинг ҳашарларга чиқиши, омма кучи билан янги хиёбон ва боғлар бунёд этиш анъанага айланиб қолди. Ўтган шанба куни Собир Раҳимов районида уюштирилган шанбаликда 10 мингга яқин киши қатнашди. Шу куни райондаги кўплаб кўчаларнинг атрофлари тозаланиб, тартибга келтирилди.

Олий ўқув юртлари шаҳарчасининг студентлари эса Тошкент Давлат университети территориясини ҳамда спорт комплекси атрофларини чиройли қиёфага келтиришди.

Шу куни 5600 туп дарахт таналари оқланди, 200 квадрат метрдан кўпроқ йўл асфальт қилинди. Кузги кўчатлар ўтказиш учун кўплаб миқдорда чуқурчалар ҳозирлаб қўйилди. Айни пайтда суғориш тармоқларини тозалаш, территорияларни тартибга келтириш бўйича ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

Кўркам бўлмоқда

Пойтахтимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича Куйбишев ҳамда Октябрь районлари механизаторлари ташаббусига қўшилган бошқарма ғолиблик қилди.

Собир Раҳимов райони ободончилик бошқармасининг коллективи ҳам ушбу мавсумда кўпгина кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Шу кунларда К. Раҳимжонов бошлиқ ободончилар ҳамда агроном М. Каримов раҳбарлигидаги кўкаламзорлаштирувчилар райондаги кўча ва проспектлар атрофини кўркамлаштириш, каналлар соҳилини тозалаш, кўчатларнинг танасини оқлаш ишларини олиб боришмоқда. Йўлсозлар эса райондаги кўчаларда транспорт қатнови учун қулайлик яратишга, жорий ремонт ишларини графикдан ўзиб олиб боришга катта аҳамият беряптилар.

БУГУН

Бошқарма йўлсозлари 250 квадрат метрдан ортиқ йўл ва йўлкаларни асфальтлаб бўлишди.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шуни маълум қиладики, XVI чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VII сессияси 1978 йил 21 сентябрь соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9) очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

телетайп лентасидан

● **БЕРЛИН. ГДР** биноқорлари шу беш йиллик бошидан буён меҳнаткашларга салкам 415 минг янги ва яхшилаб ремонт қилинган квартираларни топширдилар. 1976 йилдан то ҳозирги вақтгача 1,2 миллиондан кўпроқ киши уй-жой шароитини яхшилаб олди, ГБСП IX съезднинг қарорларига мувофиқ 1976—1980 йилларда республика гражданларидан яна икки миллион киши уй-жой шароитини яхшилайди.

● **КОПЕНГАГЕН.** Данияда 1977 йилнинг июлидан шу йилнинг июлигача истеъмол моллариниг нархи 10 процент ошди. Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг маълумотларига кўра, Дания нарх-навосининг ошиб бориши жиҳатидан Италиядангина орқада қолмоқда. Италияда нарх-наво 12,1 процент кўтарилди.

● **ЛОНДОН.** Англияда жиноятчилик даражаси даҳшатли миқёсга етди, деб таъкидлайди «Сан» газетаси. Бултур Британия ороллариде зўравонлик ишлатилган ҳолда 82.000 дан кўпроқ жиноят содир бўлганлиги қайд қилинган эди. Бу эса ўн йил муқаддам рўй берган жиноятлардан уч баравар кўпдир. Лондонда бундай жиноятлар сони 1977 йилда шундан аввалги йилдагига нисбатан 23 процент кўпайди. Мамлакатнинг кўпгина бошқа шаҳарларида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин.

● **КАРАКАС.** Венесуэла пойтахтида жамоатчиликнинг оммавий йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда конгресс аъзолари энергетик сиёсий партияларнинг ва меҳнаткашлар касаба союзларининг намояндалари иштирок этдилар. Улар ўз нутқларида Пиночет тўдасининг репрессив характерини фош қилиб, ўз халқини зулмдан озод қилиш учун олиб борилган курашда ҳалок бўлган чилилик ватанпарварлар хотирасини ҳурматлаб ёдладилар. Таъкид ва жазо чораларига қарамай, деб таъкидлади нуфузли «Насионал» газетаси, фашистлар Чили меҳнаткашларининг иродасини бука олмадилар. Реакцияга қаршилик кўрсатиш ҳаракати кун сайин кучайиб бормоқда.

● **МАПУТУ.** Мозамбикнинг жанубидаги Шай-шай шаҳрида халқ мухбирларининг семинари ўз ишини тамомлади. Семинарда мамлакатнинг турли томонларидан келган ёш штатсиз журналистлар иштирок этдилар. Улар машғулотлар чоғида журналистика махоратининг асослари, тарихий ва диалектик материализм, ФРЕЛИМО партиясининг тарихи юзасидан лекциялар тингладилар.

● **ТОКИО.** Япония касаба союзларининг бош кенгаши (СОХИО) халқнинг туб ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида актив ҳаракат қилишга даъват этди. СОХИО Ижроия Комитетининг ва маҳаллий кенгашларининг бу ерда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида механизаторлар шу йил кузда ўтказиладиган кузги ҳаракатларининг йўли таҳлил қилди.

(ТАСС).

УЗЛУКСИЗ УСУЛГА РИОЯ ҚИЛИБ

[Бошн 1-бетда].

Шаҳар координациялаш маркази йккн йил кейин бунёд этиладиган объектларнинг адресларини аниқлаб чиқади. Бу ўз навбатида қурувчиларга қаерда ва качон қандай миқдорда иш бажариш, бу ишни амалга оширишга олдиндан тайёргарлик кўриш, лойиҳалаш ташкилотларига эса қурилишларни лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлаш масаласини ўз вақтида ҳал қилиш имконини беради.

Турар-жойларни бунёд этиш учун ажратилаётган капитал маблағларни марказлаштириш мақсадида шаҳардаги 277 корхона ва ташкилотнинг маблағлари ягона буюртмачи — шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармасида тўпланмоқда. Фақат шаҳардаги 23 йирик корхонагина турар-жой қурилишида буюртмачи ролини бажармоқда. Яқин келажакда уларнинг сони яна камайтирилади.

Узлуксизлик поток комплексини жорий этиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш техника базаси, уйсозлик заводларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ускуналаш даражасига боғлиқ.

Жумладан, 1-уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу бирмунча сифатли ҳисобланган «ТДСК—71 А» сериядаги уйларни тайёрлашга қўйиш имконини берди. 3-йирик панелли уйсозлик заводини реконструкция қилиш ишлари ҳам жадал суръат билан давом этмоқда. Реконструкция ишлари 1979 йилда ниҳоясига етказилгач, комбинат янги сериядаги уйларни тайёрлашга киришади. 2-уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш ишлари ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда. Жиҳозлашда кўлланиладиган керамика плиталари ишлаб чиқариш икки марта кўпайди, санитария-техника кабиналари ишлаб чиқарувчи иккита йирик цех ишга туширилди. Бу тадбирлар йилига 850 минг квадрат метр турар жойни фойдаланишга топшириш учун база бўлиб хизмат қилади. 1980 йилдан бошлаб йилига бир миллион квадрат метрга яқин турар жой, маданий-маиший объектлар комплекси билан фойдаланишга топшириладиган бўлади.

Шаҳарда қурилишга режалик структурасини такомиллаштириш, уйсозлик комбинатларини ва трестларини ихтисослашга хизмат қилувчи тадбирлар амалга оширилади. Ҳозир уйсозлик комбинатлари қурилишнинг бошланишидан бошлаб уни фойдаланишга топширишгача бўлган вазифани бажарувчи ягона бош пудратчи вазифасини ўтяшмоқда. Бу бош пудрат ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг фаолиятларини координациялаш, ҳар бирининг вазифа учун масъулиятини ошириш имконини берди.

Қурилишда иштирок этаётган бошқа ташкилотларнинг меҳнатларини ҳам бошқача усулда ташкил қилинмоқда. Бу жиҳатдан «Жилстрой» трести коллективи томонидан орёлликларнинг узлуксиз қуриш методи асосида тўпланган ижобий тажрибалари диққатга сазовордир. Бу ерда доимий ҳаракатдаги бригадаларда ҳам, ёрдамчи пудратчи ташкилотларда ҳам қурилиш потоклари ташкил қилинган. Шартномалар «Ишчи эстафетаси» принципи асосида тузилган. Бу қўшимча меҳнат ва моддий ресурсларсиз турар-жойларни фойдаланишга топшириш муддатларини қисқартириш, объектларни бир маромда бунёд этиш ва фойдаланишга топшириш, бир вақтнинг ўзида қурилаётган уйларнинг сонини тўртдан бирга қисқартириш имконини бермоқда.

Масалан, «Жилстрой» трести 1977 йил планни топшириғи ва мажбуриятини муваффақиятли уддалади. Бош пудрат плани 103 процентга уддаланди. Орёлликларнинг узлуксизлик методи асосида ишлаш меҳнат унумдорлигини 1976 йилга нисбатан 11.9 процентга оширш, механизациялаш даражасини кескин яхшилаш, Н. Злобин методи асосида ишлаётганларни 22 кишига етказиш имконини берди. Натижада хўжалик ҳисобидаги коллективлар трест томонидан амалга оширилган ишларнинг 38.6 процентини бажаришга муваффақ бўлишди.

Қурилишни поток усулида ташкил қилиш турар жой биноларини фойдаланишга топшириш муддатларини қисқартиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, уйларнинг устки қисмлари графикдан анча ўзган ҳолда бунёд этилди. 1977 йилда трест коллективи ҳаммаси бўлиб 45 объект—42 уй ва учта маданий-маиший бинони фойдаланишга топширди.

«Жилстрой»чиларнинг муваффақиятларига бош пудратчи бригадалар ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда иш тутганликлари катта ёрдам берди. Жумладан, «Ташсантехгазмонтаж» ва «Узэлектромонтаж» трестлари, республика ихтисослашган монтаж министрлигининг «Стройтермоизоляция» бошқармаси билан узвий алоқа ўрнатган сантехниклар, электромонтажчилар ва изоляциячилар бригадалари «Жилстрой» объектларида унумли меҳнат қилиши. Қурилиш графигида ишчилар объектларга чиқадиган кунлар, бажариладиган ишларнинг турлари ҳисобга олинган эди. Бригада иши учун ҳар бир коллективда масъулиятли жавобгар киши ажратилган бўлиб, у умумий планеркаларда коллективнинг меҳнатига якун чиқариб турди.

«Жилстрой» трестида тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳамкорлик катта муваффақиятларга олиб келади. Бу нарса «Главташкентстройда» кенг тарғиб қилинниши лозим.

Трест бу йил ҳам ўз зиммасига олган тиғиз планни муваффақиятли уддалаяпти.

Турар жой ва маданий-маиший биноларни қуриш ишларига янгича комплекс ёндошиш бошқа жиддий масалаларни ҳам ҳал қилишга ижобий таъсир кўрсатяпти. Меҳнат ресурсларидан тўғри ва яхшироқ фойдаланиляпти. Қурилиш индустрияси қуввати, қурилиш машиналари ва механизмларидан тўғри фойдаланилмоқда.

Лойиҳалаш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар бор. Лойиҳачилар асосий буюртмачи ҳисобланган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган ягона план асосида иш олиб боришмоқда.

Партия ташкилотлари қурилиш суръатини тезлаштиришга ёрдам берувчи ташкилий-техник муаммоларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан одамларга боғлиқ эканлигини ҳам унутишаётганлари йўқ. Ҳақиқатан ҳам қурилишдаги муваффақият кўп жиҳатдан одамларга боғлиқ.

Орёлликларнинг усулига амал қилиш меҳнат коллективларида ташкилий-идеология ишларини кучайтириш билан қўшиб олиб борилмоқда.

Барча районларда ва шаҳар партия комитетида ишга туширилаётган қурилишларнинг штаби ишлаб турибди. Жуда кўп меҳнат коллективлари, йирик турар жой ва саноат қурилишларида комплексларида уставдан ташкари партия группалари ташкил қилинган бўлиб, улар муваффақиятли иш олиб боришяпти. Улар қурувчиларнинг куч-ғайратларини беш йилликнинг учинчи йили планларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиб, капитал қурилиш самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга кенг шароит яратишмоқда.

Шаҳар партия комитети бюроси, район партия комитетларининг бюроларида, қурилиш, ёрдамчи пудратчи ва лойиҳа ташкилотларининг бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг йиғилишларида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган тадбирлар ҳар бир коллективнинг узвий алоқада ишлаши, план, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ички резервларни ишга солиш, тежамкорликни кучайтиришни, қарорларни бажарилишини назорат қилиш билан қўшиб олиб боришни аниқ бир изга солишни талаб қилди.

Шаҳар саноати корлектикларининг иш тажрибаси асосида қурилишда қатор ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Улардан илмий-амалий конференция, семинар-йиғилиш л а р. илғор тажриба мактаблари, қурилиш ва монтаж ташкилоти раҳбарлари мастерлари, бригада бошлиқларининг ўқувини ташкил қилиш ўз самарадорлиги билан оқланиб туради.

Барча район партия комитетларида Н. Злобин методини жорий қилиш бўйича семинар-кенгашлар ўтказилди. 1978 йилнинг охирига бориб, 1890 бригададан 600 дан зиёди бригада пудрати асосида ишлай бошлайди.

Тошкентлик қурувчиларнинг орёлликларнинг узлуксиз методи асосида тўпланган тажрибалари қатор ташкилий-техник масалаларга комплекс ёндошиш ва ҳал қилишни талаб қилмоқда. Бунга партия ва хўжалик ташкилотлари, министрликлар ва идоралар алоҳида аҳамият бермоқлари лозим. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхши меҳнат қилайлик» деган сўзларида шу кунниинг шиори тўла ўз ифодасини топган. Унга амал қилаётган Ўзбекистон пойтахтининг қурувчилари ўзларининг бор маҳорат ва изланишларини КПСС XXV съезди нинг тарихий қарорларини ҳаётда қарор топдиришга сарфламоқдалар.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Мажбуриятлар изидан

Ленин, Фрунзе ва Сергели районлари мусобақаси

АҲДГА ВАФОДОР БЎЛАЙЛИК

...Беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларга яна бир марта кўз югуртирамиз. Ҳар бир сатрда меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш асосида давлат планларини муддатидан илгари бажаришга, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга астойдил интилаётганлигини ҳис этамиз.

Берилган ваъзда қандай бажарилаётганлигини, нималар қилингану, нималар амалга оширилмаганлигини текширш мақсадида яна мажбуриятларга кўз ташлаймиз.

Бош якун ёмон эмас: мусобақадош уч район меҳнаткашлари пландан ташқари мамлакат халқ хўжалигига 11.349 минг сўмлик турли хил саноат буюмлари етказиб бердилар. Бу мажбуриятдагидан анча кўпдир.

Бир қатор меҳнат коллективлари ўз ваъдаларига вафо қилишиб, пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Жумладан, қурилиш саноати материаллари бирлашмасининг тажриба-механика заводи 1978 йилда пландан ташқари 180 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишни мўлжаллаган эди. Йилнинг саккиз ойлик ишлаб чиқарувчи якунига кўра бу мажбурият икки баравар ортиги билан адо этилганлиги маълум бўлди. Бу корхона меҳнатчилари маҳсулот реализация қилиш графигидан уч ҳафта илгарилаб. ўтган йилнинг шу даврига нисбатан биноларни ишга тушириш ҳажмини 42 процентга кўпайтиришга эришдилар.

Шунингдек, пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш бўйича қурилиш материаллари, «Предоформление» комбинатлари, республика қурилиш министрлигининг экспериментал механика заводи. Сергелидаги «Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик бирлашмаси ва бошқа корхоналар йиллик мажбуриятларини муваффақиятли уддаладилар.

Кўпгина корхоналар ишнинг бир меъёрда бўлишини таъминлашиб, белгиланган ишлаб чиқариш суръатидан ўзиб кетдилар ва август ойининчи бирinчи ва иккинчи декадаларидаёқ сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот бера бошладилар. Модалар уйи, картон таралари, ғўзапоядан прессланган плиталар ишлаб чиқарувчи, «ЦНИИХпром» н и н г экспериментал заводлари, «Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик бирлашмаси. «Узбекохотрибаксоюз» корхоналари ишлаб чиқариш бошқармаси ва бошқа корхоналар ана шулар жумласидандир.

СССР Конституцияси шарафига кенг кўлоч ёйган социалистик мусобақа ва «Ўнлар ташаббуси»нинг авж олиши катта самара келтирди. Ҳозирда юзлаб меҳнат илғорлари ўн биринчи беш йиллик календари бўйича меҳнат қилишяпти. Модалар уйи, «ЦНИИХпром» н и н г экспериментал қўёш тўқиш мосламалари заводлари коллективлари 1979 йилга қадам қўйдилар.

Йилнинг ўтган даври учун хўжалик-иқтисодий фаолиятлари якунини анализ қилганимизда эришилган кўрсаткичлар янада юқори бўлишини кўришимиз мумкин. Бироқ, бир қатор коллективлар маҳсулот реализация қилиш ва ишлаб чиқариш суръатини ўстириш бўйича белгиланган графикдан ортда қолиб келишяпти. Масалан, Сергели темир-бетон буюмлари, Граждан авиацияснинг ремонт-механика, «Трансстрой»нинг р е м о н т механика, тепловоз-вагон ремонти заводлари йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан атиги 62 процент маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилдилар. Эндиликда бу коллективлар ортда қолмасликлари учун ҳозирги кунда янада юксак куч-ғайрат билан меҳнат қилишлари лозим бўлади.

Кўпгина коллективлар кетма-кет ойлар мобайнида социалистик мажбуриятда белгиланган пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш тошириқларини бажаролмай келишяпти. «Главташкентстрой»нинг 1-темир-бетон буюмлари, электротехника. тепловоз-вагон ремонти заводлари ва бошқа корхоналар ана шулар жумласидандир. Мазкур корхоналарда кўпгина цехлар, участка ва бригадалар ойлик топшириқларини бажара олмай, турдош корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйдилар.

Тўқимачилик комбинатида ҳам белгиланган иш суръати асло таъминланмаяпти. Бу ерда дастгоҳлардан, асбоб-ускуналардан тўла фойдаланиляпти деб бўлмайди. Бунинг натижасида кўпгина участкаларда брак маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Меҳнатни тўғри ташкил этиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Бунинг оқибатида 7 та цех августойи топшириқларини уддасидан чиқолмади.

Маълумки, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун янги техника ва технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг барча асосий ва ёрдамчи участкаларида ишни илмий асосда ташкил этиш планларини қандай бажарилаётганлигига асосий эътиборни қаратмоқ лозим. Шу билан бирга, бунда тежамкорлик ҳаракатига эътибор бериш, материал ресурсларидан оқилона фойдаланиш керак. Бироқ, бир қатор корхоналарда ана шу ишлар билан тўғри ҳисоб-китоб қилинмаяпти.

Масалан, тепловоз-вагон ремонти заводи раҳбарлари ва иқтисодчилари йиллик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни эди. Салкам 100 та социалистик меҳнат бригадаси XV съезд қарорларини бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага бошчилик қилмоқда ва қарийб 150 меҳнат коллективи ана шу юксак номга сазовор бўлиш учун курашмоқда.

1978 йилнинг январь — август ойлари кўрсаткичлари	Ленин райони	Фрунзе райони	Сергели райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	103,0	101,6	102,4
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши	101,3	102,6	101,0
Ишлаб чиқаришн умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	108,9	103,1	105,3
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	102,3	103,9	101,1
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	109,0	105,4	103,3
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	100,0	100,0	62,2
Планни бажармаган корхоналар:			
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида)	—	—	—
б) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	2	—	2
в) меҳнат унумдорлиги бўйича	1	—	3
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процентларда)	101,7	106,1	100,1
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	108,0	112,2	111,1
Планни бажара олмади:			
— цехлар	6	8	4
— участкалар ва бригадалар	14	—	9
— ишчилар	341	205	312
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь— июль ойлари кўрсаткичлари. (процентларда)	112	95	119
Турар жойни фойдаланишга топшириш, 1978 йилнинг январь— июль ойлари кўрсаткичлари (процентларда)	63	19	86

СУРАТДА: шаҳримиздаги устки трикотаж фабрикаси тўқув цехининг илғор ишчиси, моҳир тўқувчи Зуля Сибагатулина. Бу ишчи аёл юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга смена-ойлик топшириқларини 150 — 160 процент бажармоқда.

Тошкент оқшомида босилганидан кейин

«Вағдалар єлгон экан»

Бирлик массивидаги Маҳорат кўчасидаги йўлкага асфальт ётқизишга ваъда берилиб, иш бажарилмай қолгани, йўлкалар асфальтланмагани таққид қилинган эди.

Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармасидан хабар берилишича, йўлкаларга сентябрь ойида асфальт ётқизилади.

«Қаровсиз вагонлар»

18 августда юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда айрим трамвай вагонларининг қаровсизлиги таққид қилинган эди. 1-трамвай депосидан олинган жавобда бу масалада айбдорлар жазоланган, зарур чоратадбирлар кўрилиб, вагонлар ремонтдан чиқарилгани маълум қилинган.

«Омонат симёғоч»

Газетада юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда 2-Ҳовос кўчасидаги Шарқ проездида симёғочларнинг нобоплиги, бунинг оқибатида электр чироқлар нормал ишламаётгани таққид қилинган эди.

Шаҳар электр тармоқлари корхонаси бу факт тўғрилигини, барча нобоп симёғочлар ўзгартирилиб, электр линияларн нормал ҳолга келтирилганини хабар қилди.

Жаҳон ойнаси

Социализм мамлакатларида

Ҳар уч кишидан бири ўқимоқда

ГАВАНА. Кубада янги ўқув йили бошланди. Бу йил кубаликлардан салкам 3 миллион 700 минг киши машғулотларга киришди. Улар орасида бошланғич ва ўрта мактабларнинг, билим юртлари, техникумлари ва олий ўқув юртларининг ўқувчиларигина бор эмас. Катта ёшдаги кишилар учун мўлжалланган мактабларда ҳам ўқиш бошланди. Куба меҳнаткашлари касаба союзи марказининг қарорига мувофиқ, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳар бир ходими 1980 йилгача камида олтинчи синф ҳажмида маълумотга эга бўлиши лозим. Шу ўқув йилида дастлабки дарслар бошланганлигидан дарак берувчи қўнғироқ кечки мактабларга қатнаётган 630 минг меҳнаткаш учун жаранглади.

Атиги йигирма йил муқаддам Куба 1 миллион киши сўзда саводсиз бўлган мамлакат эди. Куба революциясининг ғалабаси саводсизликни батамом тугатишга, халқ маорифини янги ва ҳар томонлама ривожлантириш барча зарур шарт-шароитларни яратишга олиб келди. Бугунги кунда республикада ҳар уч кишидан бири ўқимоқда.

«Збройовка» намуна бўлмоқда

ПРАГА. Чехословакиянинг Брно шаҳридаги «Збройовка» машинасозлик комбинатида «Консул — 211» маркали босиб чиқариладиган янги қурилмаларнинг тажриба нусхалари ишлаб чиқарилди. Бу қурилмалар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳисоблаш техникаси бирлашган системасида фойдаланиш учун мўлжалланади.

Чехословакиянинг социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга оширишда, ихтисослаштириш ва кооперациялаш жараёнларига актив қўшилганлиги ана шу энг йирик машинасозлик корхонасининг тарихида янги саҳифа очди.

Комбинатнинг кўп минг кишилик коллективи олтинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун муваффақиятли кураш олиб бормоқда. Масалан, бултур бу ерда қарийб 9 миллион кроплик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Салкам 100 та социалистик меҳнат бригадаси XV съезд қарорларини бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага бошчилик қилмоқда ва қарийб 150 меҳнат коллективи ана шу юксак номга сазовор бўлиш учун курашмоқда.

Венгриянинг илиқ сувлари

БУДАПЕШТ. Венгрия термаль сув манбаларига бой. Бу ерда 500 дан кўпроқ ана шундай манбалар бор. Сувнинг температураси 35 даражадан ошиб кетади. Мамлакатда термаль суви бўлган 150 дан зиёд чўмиладиган ҳовуз ва сув ҳавзалари ишлаб турибди.

Яқинда термаль сувлардан фойдаланишнинг умумдавлат программаси ишлаб чиқилди. Ана шу программанинг асосий бандларидан бири — шифобахш манбалар асосида санаторийлар ва касалхоналар сонини янада кўпайтиришдан иборат. Бу программа муваффақиятли бажарилмоқда. Шу йилнинг охиридаёқ Маргит оролида шифобахш манбаси бўлган меҳмонхона очилади. Бу ерда айни бир вақтда 400 га яқин киши даволаниши мумкин. Хевизда, Вокфордда. Дебрецендда сув билан даволайдиган шифохоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш мўлжалланмоқда.

1990 йилга бориб 80 мингдан кўпроқ квартирани ер остидан чиқиб турадиган иссиқ сув манбалари ёрдами билан иситиш кўзда тутилмоқда. Бу эса ҳар йили ярим миллион тонна нефтни тежаш имконини беради.

(ТАСС).

Тинчликсевар кучларнинг олдинги сафларида

ДЕҲЛИ. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Бош секретарининг ўринбосари О. П. Паливал ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: Совет Иттифоқи тинчлик, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини тезлаштириш учун, қуролсизланиш учун, ядро уруши хавфига қарши курашаётган барча кучларнинг олдинги сафларида бормоқда. Совет Иттифоқи «ядро қуроли бўлмаган давлатлар хавфсизлиги гарантияларини мустаҳкамлаш ҳақида халқаро конвенция тузиш тўғрисидаги масалани дарҳол ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масала сифатида БМТ Бош ассамблеясининг XXXIII сессияси кун тартибига киритишни таклиф этди. Бу таклиф СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлининг мантиқий давомидир.

О. П. Паливал яна бундай деди: биз, Ҳиндистонда ана шу таклифни зўр эътибор билан ўрганиб чиқдик. Бу таклиф ўз вақтида киритилган таклифдир. Бунинг боиси шуки, империалистик ва гегемончи кучлар ҳозирги пайтда халқаро вазиятни кескинлаштириш, уруш хавфини кучайтиришга зўр бериб уринмоқда.

Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган ёш давлатларнинг вакиллари Совет давлатининг тинчлик йўлидаги ташаббусини зўр эътибор билан кутиб олдилар. Ана шу мамлакатлар, деб таъкидлади О. П. Паливал, империалистик кучларнинг беҳаёлик билан тазйиқ ўтказиш. шафқатсиз эксплуатация қилиш объектидир. Империалистик кучлар бу мамлакатларга қарши кўпдан-кўп ғиво қилиб, очиқдан-очиқ агрессия йўлига ўтмоқдалар. СССРга келганда шуни айтиш керакки, у озодлик, мустақиллик, суверенитет учун курашаётган халқларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келди, жаҳон империализми ва реакциясининг таҳдидига қарши, ёш давлатларни ёқлаб келди.

(ТАСС).

АҚШ. Ҳозирги кунда велосипедни қашф этиш мумкинми? Ранг-баранг конструкциядаги велосипедлар кашф этиб бўлинганлигини ҳисобга олсак, жуда мушкул. Шундай бўлса ҳам америкалик Ральф Холленбург янгилик яратди. Унинг икки ўринли велосипеди ўзига хос конструкцияга эга. Ҳайдовчи велосипедни чалқанча ётиб ҳайдаши туфайли оддий велосипедни ҳайдаганга қараганда кам куч сарфлайди.

ЮПИ — ТАСС фотоси.

Пойтахтимизнинг Куйбишев районидаги Қорасув массивида кенг кўламда турар-жой биноларн, болалар муассасалари, маданий-маиший объектлар қурилиши давом этмоқда. Яқинда бу ерда янги турар-жой кварталн, типовой мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: массивнинг 1-Қорасув микрорайонида бунёд этилган янги турар-жой биноларн.

М. Нуриддинов фотолари.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

18 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

«Америкаликлар СССР тўғрисидаги ҳақиқатни билишлари лозим»

НЬЮ-ЙОРК. Атоқли негр спортчиси Муҳаммад Али ўзининг яқинда Совет Иттифоқига қилган сафарини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Кремлда уни қабул қилганлигини самимийлик билан эслайди. М. Али «Ньюсуорлд ревью» журналининг мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Л. И. Брежнев билан қилган суҳбатимдан, Совет Иттифоқининг турли шаҳарларида кўпгина кишилар билан ўтказган суҳбатларимдан мен шундай қатъий ишонч ҳосил қилдимки, совет кишилари ҳеч ким билан урушишни истамайдилар ва ҳеч қачон биринчи бўлиб уруш бошламайдилар. Совет халқи халқаро муносабатларни яхшилаш учун курашиб, узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик шароитида бунёдкорлик қурилишини давом эттиришга интилмоқда.

Баъзи бир америкаликлар Совет Иттифоқини нотўғри тасаввур қилмоқдалар, деб уқтириб ўтди спортчи. Бунинг учун АҚШда олиб борилаётган ғаразли пропаганда айбдордир. Бу пропаганда «совуқ уруш» замонларига қайтишни ва иккала халқ ўртасидаги муносабатларга нифоқ солишни тарғиб қилмоқда. Ғоят таассуфки, америкаликларнинг кўпчилиги совет халқи билан мен каби яқиндан таниша олмайдилар. Ўшанда бир орзуйим бор, у ҳам бўлса совет кишиларининг ҳаёти тўғрисида ҳаққоний фильмни суратга олиб америкаликларга кўрсатишдан иборат, деди. Америкаликлар СССР тўғрисидаги ҳақиқатни билишлари лозим, деб таъкидледи у. Халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни чинакам яхшилаш йўлларидан бири ана шунда деб биламан.

(ТАСС).

Ёзувчи Раҳмат Файзий ~ 60 ёшда

ИНСОНИЙЛИК КУЙЧИСИ

ҚУТЛОВ

Иброҳим ҲАМРОБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

Биз — геологлар ҳам адабиёт оламини, адибларимиз ижодини зўр қизиқиш билан кузатиб борамиз. Уларнинг ҳар бир ютуғи биз китобхонлар учун ҳам қувончли байрамга айланади. Биз бу асарларни ўқиб маънавий озиқланамиз. Албатта инсониятнинг маънавий ўсиши, тараққиётида, ҳар бир кишида дилбар фазилатларнинг шаклланишида адибларимиз яратган ва яратаётган асарлар бебаҳо роль ўйнайди. Ҳар бир яхши асар улкан маънавий бойликдир. Тўғри, биз ҳам хазиналар яратувчилар сирасиданмиз. Чексиз ва бебаҳо хазиналарни очамиз. Лекин бу хазиналар кези келиб, қачондир бир кун адо бўлади. Адибларимиз яратган маънавий хазиналар эса мангуликдир. Ана шундай хазиналар сирасига севимли адибимиз Раҳмат Файзий яратган «Ҳазрати инсон» романини ҳам киритиш мумкин.

Чинакам санъат асари чегара билмайди. Турли элларда, турли тилларда севилиб ўқилади. Бундан уч йил илгари мен торда ўтириб, Лондон радиосидан бериладётган эшиттиришни тинглаб қолдим. Радиода бизнинг адибимиз Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романидан (инглиз тилида) парча ўқилаётган эди!

Адиб асарлари, хусусан «Ҳазрати инсон» романи бир қатор чет мамлакатларда нашр этилди. Бу асарлар минглаб-миллионлаб китобхонларни беҳад мамнун этаётганлиги қувончлидир, албатта.

Раҳмат Файзий «Чўлга баҳор келди», «Ёр-ёр» каби асарлари, ажойиб ҳикоялари биланоқ китобхон халқимизнинг юрагидан жой олган эди. У томонидан яратилган «Сен етим эмассан» кинофильми, «Ҳазрати инсон» романи адибнинг номини оламга танитди.

Бугун улкан адибимиз 60 ёшга тўлди. Бу биз учун ҳам шодиёна байрамдир.

Таниқли адиб, кинодраматург ва публицист, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий ўзининг қирқ йиллик ижодий фаолиятида улкан ишлар қилиб, элнинг эъзозига сазовор бўлди. Қуйида севимли адибимизнинг ҳаёти, ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилувчи суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Адиб ижодхонасида

ЭЪЗОЗ

— Раҳмат ака, адабий жамоатчилик томонидан қайд этилган биринчи асарингиз, адабиётга кириб келган дастлабки йилларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Адабиёт даргоҳига кириб келиш — дастлабки машқлар, ҳикоя ёки шеърнинг матбуотда босилиб чиқиши даври билан белгиланадиган бўлса, ундай тақдирда 1937—1938 йиллар дейишга тўғри келади. Бу йиллари «Ленин учқуни», кейин «Ёш ленинчи» редакцияларида ишлар эдим. Илк шеърим «Зеби хола ўқишда» номи билан «Янги ҳаёт» газетасида босилиб чиққан эди...

— Китобхонлар 1951 йилн нашр этилган «Чўлга баҳор келди» повестингизни яхши билишади. Орадан 21 йил ўтгач, шу асарга қайта мурожаат қилиб, уни роман ҳолида ўқувчиларга ҳавола этдингиз. Бунинг боиси нимада?

— Аввало шуни айтишим керакки, бу повесть республикамизда ҳам, ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунлари Москвада ҳам илиқ кутиб олинди. Декада кунлари проза асарларн муҳокамасида яхши баҳо олди. Бу: асар мукаммал, унга қўл уришнинг ҳожати йўқ, деган гап эмас эди, албатта. Жамоатчилик, адабий танқидчилик унинг ютуқлари қатори камчиликларини ҳам кўрсатиб берган эди. Мен муҳокамаларда, матбуотда билдирилган, китобхонларнинг хатларида айтилган фикрларни узоқ вақт, яхшилаб ўрганиб чиқдим. Чуқурроқ ўрганиб, таҳлил қилганим сари айтилган мулоҳазалар ўзимга ҳам ёқа бошлади. Бу орада неча бор Мирзачўлга бориб келдим. Оқибат натижада повестнинг иккинчи нашри шубҳасиз аввалгисидан фарқ қилмай, анчагина тўлган ҳолда чиқди. Орадан сиз айтганингиздек 21 йил вақт ўтди. Асарни 50 ёшга тўлишим муносабати билан чиқарилаётган учтомликка киритиш лозим бўлиб қолди. Нашрга бериш олдидан ўқиб чиқдиму, гапнинг очиғи, кўнглим тўлмади. Нашриётга топширишни икки йилга чўзиб юбордим. Аммо асарни тамом қайта ишладим ва роман ҳолида топширдим.

— Раҳмат ака, Сизнинг сценарийларингиз асосида яратилган «Ёр-ёр», «Сен етим эмассан» сингари фильмлар кино мухлисларн орасида машҳур. Шу фаолиятингиз ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— 50-йиллари «Ўзбекфильм» киностудияси «Чўлга баҳор келди» повестим асосида киносценарий ёзиб беришимни илтимос қилди. Орадан сал ўтмай мени Москвада ўтказилган бир ойлик киносценаристлар семинарига ҳам юборишди. Кино оламининг атоқли арбоблари— Каплер, Габрелович, Чиардели, Николай Вирта, Михаил Ромм, Иван Пырьев сингари кинодраматург, режиссёрларнинг лекциялари, ижодий суҳбатларини тинглаб қайтдим.

Орадан бир неча йил ўтиб, бошқа материал— тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласи, уларнинг ватанпарварлик, инсоний фазилатлари ҳақида ёзиб юрган лавҳа, очерк, ҳикояларим якуни ўлароқ, асар ёзишга ўтирдим. 1957—58 йилларда ёза бошлаган бу асаримни «Меҳр» деб номладим. Унинг баъзи боблари «Қизил Ўзбекистон» газетасида 1958 йилнинг ёзида босилиб чиқди. Мен ана шу повесть устидаги ишим авжи қизиган пайтда, бу— 1960 йилнинг бошларида эди, мени яна киностудияга таклиф этишди. Бу гал мана шу мавзуда сценарий ёзиб беришимни илтимос қилишди. Шу мавзуда учта сценарий ёзилибди. Уччови ҳам қабул қилинмабди. Уша ёза бошлаган ва «Меҳр» деб тахминий ном қўйган асарим материаллари асосида киносценарий ёзишга ўтирдим.

Истеъдодли режиссёр Шуҳрат Аббосов шу сценарий асосида фильм қўйиш истагини билдирди. Биз у билан бирга ишлай бошладик. Қисқа муддатда шуни фаҳмлаб олдимки, Шуҳрат Аббосов шунчаки темани эмас, бутун бор материални ёқтириб, ўзлаштириб, сингдириб олибди. Шуниси мени қувонтирарди.

Фильм ниҳоят экранга чиқди. Уни томошабинлар қандай кутиб олганликларини биласизлар.

— Фильмнинг номи бенхтиёр академик шоирмиз Ғафур Ғуломнинг машҳур «Сен етим эмассан» деган шеърини эслатади. Нима учун у айтганингиздек «Меҳр» эмас, «Сен етим эмассан» деб аталган!

— Сценарий тайёр бўлиб иш бошлаган пайтда ҳам, асарнинг номи «Меҳр» эди. Мен бу номдан воз кечишни сира истамасдим. Аммо шунга қарамай, кинонинг ўз хусусияти, талабларини инобатга олмай иложи йўқ. «Сен етим эмассан» деган ном фильмга жуда-жуда мослигини билардим. Бир томонда Шуҳрат Аббосов қаттиқ туриб олди. Унга ҳам шу ном ёқарди. Ўйлаб-ўйлаб Ғафур аканинг ҳузурига бордим. Устоз шоир ўз шеърининг номи фильмга қўйилишига мамнуният билан розилик бердилар.

Шундай қилиб, фильм «Сен етим эмассан» номи билан экранларга чиқди.

— «Ҳазрати инсон» романингиз ўзингизнинг, қолаверса кўпмиллатли совет адабиётининг муваффақиятларидан бири бўлди. У бир қанча қардош ва хорижий тилларга таржима қилинди. Шу асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Бу асарнинг ёзилиш тарихи бундай бўлган эди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад ака ва Баҳри опалар Улуғ Ватан урушининг бошларида етим қолган болалардан иккитасини тарбияларига олганликлари ҳақида, хабарни радиода эшитганимдан бошлаб, шу оила тақдири мени қизиқтириб қолди. Мен Жараҳининг кўчаларидаги темирчи хонадонига бир неча марта бордим. Шу орада Ғафур акамнинг «Сен етим эмассан» шеъри босилиб чиқди. Уша йиллар Ғафур акамнинг қадрдон ўртоғи журналист Шоаҳмад Шорахмедов менга Ғафур ака шеър ёзмасидан бир кун аввал Арпапоядаги мурғаклар уйидан чиқиб келаётган темирчи Шоаҳмад акани кўргани, у билан анча ергача гаплашиб борганини айтиб берган эди. Шу гапдан кейин сал ўтмай, Ғафур акани кўрганимда у киши менга темирчини гапириб бердиларда, албатта уйига боринг, дедилар. Мен у ерда бўлганимни, темирчи, хотини билан гаплашганимни айтганимда жуда хурсанд бўлиб кетдилар. «Ёзиш керак, Раҳматилла, шунақаларни ёзиш керак» дедилар. Мана шу ва шунга ўхшаш оилалар ҳақида очерк, ҳикоялар ёза бошладиму, аммо бирон каттароқ асар яратиш орзуси тинч бермасди. Кейинчалик шуни билиб қолдимки, ўша кезларда туғилган бу орзумга Ғафур ака гўё оталиқ қилган, қанот бахш этган эканлар. Боя юқорида айтганим «Меҳр» номи билан ёза бошлаган ва дастлабки боблари 1958 йилда матбуотда эълон қилинган асар 1969 йилга келиб «Ҳазрати инсон» номи билан журналда босилди.

У 1972 йилда ВЦСПС ҳамда СССР Ёзувчилар Союзининг ишчилар синфи ҳақидаги энг яхши прозаик асарлари учун эълон қилган конкурсининг лауреати бўлди. Романнинг шу кунгача босилиб чиққан нашрининг тиражи 2 миллион 700 мингдан ошиб кетди. Роман қардош халқлар тилларидан ташқари, қатор хорижий тилларда ҳам нашр этилди. Жумладан яқинда романнинг Болгария, Вьетнам, Польша ва Словакияда нашр этилганлиги ҳақидаги хабарлар эълон қилинди. Мен шу ўринда романни рус тилига таржима қилган атоқли адиб Г. Марковга, қизи О. Марковага миннатдорчилигимни қайд этиб ўтим келади.

— Раҳмат ака, энди бир анъанавий савол. Келгуси режаларингиз!

— Келгуси режалар деганимда асосан, «Авлодлар» романини айтгим келади. Ҳозир шу асар устида ишлаяпман. Ҳикоя, очерк, публицистика— булар ҳамма вақт режани бузиб ўзи отилиб чиқади. Бугун ҳақда олдиндан бир нима деб бўлмайди. Умуман яхши ниятларим кўп.

Суҳбатни штатсиз мух. бирмиз Эркин УСМОНОВ олиб борди.

Ижод сеҳри

Раҳмат Файзийнинг ўз ўрни ва овози бор! Раҳмат Файзий катта ҳаёт ва ижод тажрибасига эга таниқли адиб. Ёзувчининг меҳнат ва ижод фаолияти билан танишар экансиз, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Раҳмат Файзий 1918 йилда Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилди. Ўз меҳнат фаолиятини «Ленин учқуни» газетасида жуда эрта бошлади. Кейин «Ёш Ленинчи», «Фрунзевец», «Совет Ўзбекистони» газеталарида ишлайди. Йирик халқ қурилишларида, саноат корхоналарида, колхозларда, Мирзачўлни ўзлаштирувчилар ҳузурида бўлиб, мақолалар, репортажлар, лавҳалар ёзиш билан бир қаторда, социалистик меҳнатни улугловчи бадиий очерклар ва ҳикоялар яратади. Унинг «Раис», «Тўёна», «Дўрмонлик йигит», «Улғайиш», «Балли, она қизим», «Раққоса» каби маҳорат билан ёзилган, ғоявий-бадиий юксак очерклари, шунингдек, сўнгги йилларда яратилган, Канадага қилган сафари таассуротлари ифолаланган халқаро мавзудаги «Заранг барги» очерки алоҳида ажралиб туради.

50 йилларнинг бошида Раҳмат Файзий «Шарқ юлдузи» журнали редакциясига ишга ўтади, кейин «Ўзбекистон маданияти» газетаси бош муҳаррири бўлиб хизмат қилди. Бу жараён унинг кинодраматург бўлиб танилишида, ижодий фаолиятида кескин бурилиш ясалишида муҳим роль ўйнади.

«Ёр-ёр» фильми Р. Файзий ижодида янги саҳифа очди. Енгил комедия жанрида ёзилган ва ҳаётдаги эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни гавдалантирувчи бу кинокартина мамлакатимиз ва чет эл экранларида кўрсатилиб, муваффақият қозонди.

Раҳмат Файзий қаламига мансуб бир неча киносценарийлар орасида — «Ўзбекфильм» киностудиясида экранлаштирилган «Сен етим эмассан» киноповести ажралиб туради. Бу фильмда Улуғ Ватан уруши йилларида ўн тўрт етим болани асраб олиб тарбия қилган оммасига танилишида бу китобларнинг хизмати катта бўлди.

Мирзачўлни ўзлаштириш ва бу шарафли ишда Ўзбекистон комсомолларининг етакчилик ролини тарannум этишга багишланган Раҳмат Файзийнинг биринчи йирик асари — «Чўлга баҳор келди» қиссаси ўзининг ҳаётийлиги, воқеликни ҳаққоний акс эттирганлиги билан китобхонлар эътиборини ўзига жалб қилди. Ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, унинг мардоналиги, қалбан бойлиги авторни қаҳрамонлар яратишга ундайди. У Мирзачўлни ўзлаштиришдаги дастлабки дадил қадамларни ҳикоя қилиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. «Чўлга баҳор келди» повести тез орада ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

Раҳмат Файзий сўнгги йилларда бир неча муддат «Ўзбекфильм» студиясининг ижодий коллективида сценарийлар бўйича бош муҳаррир бўлиб ҳизмат қилди. Бу жараён унинг кинодраматург бўлиб танилишида, ижодий фаолиятида кескин бурилиш ясалишида муҳим роль ўйнади.

«Ёр-ёр» фильми Р. Файзий ижодида янги саҳифа очди. Енгил комедия жанрида ёзилган ва ҳаётдаги эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни гавдалантирувчи бу кинокартина мамлакатимиз ва чет эл экранларида кўрсатилиб, муваффақият қозонди.

Раҳмат Файзий қаламига мансуб бир неча киносценарийлар орасида — «Ўзбекфильм» киностудиясида экранлаштирилган «Сен етим эмассан» киноповести ажралиб туради. Бу фильмда Улуғ Ватан уруши йилларида ўн тўрт етим болани асраб олиб тарбия қилган темирчи Шомаҳмудовлар оиласи ҳақида ҳикоя қилинади.

Яқиндагина ижодкор қаламкашлар даврасида бўлган дўстона гурунглардан бирида «Ёзувчи кўп асар яратиши мумкин. Аммо у ёки бу истеъдодли адибнинг тарихда қоладиган ўзининг шоҳ китоби бўлади. Ўз баркамоллиги билан ажралиб турадиган, адибнинг истеъдодини кўз-кўз этадиган ўша китоби тилга олиниши биланоқ муаллифнинг номи бирдан ёдга олинади», деган оқилона мулоҳазалар ўртага ташланди. Ана шу давранинг иштирокчиси сифатида етук адабиётшунос дўстларимнинг бу ҳақконий баҳосига дилдан қўшилгим келди.

Дарҳақиқат, шундай. Келинг, узоққа бормай, ўзбек адабиётидан мисоллар олайлик. Биз «Қутлуғ қон», «Навоий» деганимизда устоз Ойбекни, «Ўтган кунлар»ни тилга олганда Абдулла Қодирийни, «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» деганимизда Шароф Рашидовни бенхтиёр хотирга туширганимиздай, «Ҳазрати инсон» романини ёдга олсак, албатта Раҳмат Файзийнинг номи хаёлимиздан ўтади. Ахир, бу бежиз эмас. Чиндан ҳам мазкур асар Р. Файзийнинг бош китоби ва шундай бўлиб қолади. Бу роман ўзбек адибининг номини Умумиттифоққа таратди, чет элларга олиб чиқди, бугунги кунда асар дунё кезиб юрибди.

«Ҳазрати инсон» романи муаллифи мамлакатимизда ишчилар синфи ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи энг яхши асарлар конкурсида қатнашиб, СССР Ёзувчилар союзи ва ВЦСПС мукофотининг лауреати бўлди. Ўзбек адабиётининг шуҳратига шуҳрат қўшди. Ёзувчининг ўзи асарининг қаҳрамонлари ҳақида гапириб, бундай деб ёзган эди: «Асаримнинг қаҳрамонлари мен урушнинг машаққатли йилларида яқиндан билган ва жондан севган оддий кишилар. Мен «Ҳазрати инсон» романида урушнинг оғир машаққатларини бошидан кечирган, аммо ҳамма қийинчиликларни енгиб, душман устидан бўлажак ғалабани яқинлаштириш учун меҳнат қилган совет кишиларини вирлашга интилдим».

Раҳмат Файзий кўп миллатли совет адабиётининг энг яхши асарларини ўзбек китобхонининг маданий мулкига айлантиришда ҳам баракали меҳнат қилмоқда. Унинг таржимонлик қаламидан чиққан машҳур совет адиби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Георгий Марковнинг «Ер мағзи» романи бугунги кунда китоб жавонларимизни безаб турибди. Ана шу китобнинг ўзбек тилида нашр этилиши муносабати билан унга кириш сўзи ёзиб берган таниқли совет ёзувчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидов бу адабий жараённи, рус ва ўзбек ёзувчилари дўстлигини юқори баҳолади. «Устоз таълимини олиб, у босган изидан борган, ҳамиша миннатдор шогирд мисоли ўзбек адиби Раҳмат Файзий атоқли ёзувчи, устози Георгий Марковнинг «Ер мағзи» романини ўзбек тилига таржима қилиб, китобхонларни бу ажойиб асарни ўз она тилларида ўқиш шарафига муяссар этган экан, — деб таъкидлайди Ш. Р. Рашидов,— буни қобил шогирднинг устозига ҳурмати, адиблар, демакки, адабиётлар ижодий ҳамкорлигининг ёрқин самараси, деб билмоқ керак. Заррада қуёш акс этгани сингари адиблар, адабиётлар ҳамкорлигида ҳам буюк совет дўстлигимиз акс этиб туради».

Раҳмат Файзий катта жамоат ишларини ҳам уддалашга улуғ ёшда ҳам ғайрат ва шижоат билан киришиб кетади. СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг ва секретариатининг аъзоси, проза советининг раиси, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номли республика мукофотларини бериш комитетининг, ВЦСПС ва СССР Ёзувчилар союзи Бутуниттифоқ конкурсининг, Тинчликни сақлаш комитетининг, шунингдек қатор нашриёт, адабий-бадиий журналлар кенгашларн ва коллегиялари аъзоси, Бутуниттифоқ авторлик ҳуқуқи агентлиги Ўзбекистон бўлимининг бошлиғи Р. Файзийнинг олиб бораётган жамоат ишлари ҳам эътиборга лойиқ дир.

Раҳмат Файзий «Ҳурмат белгиси» ордени, қатор медаллар, Ўзбекистон, Белоруссия, Молдавия ССР Олий Советлари Президиумларин и н г Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилган.

Адибнинг тўйи арафасида Варшавадан хушхабар келди. У ерда ўтказилган совет адабиёти кунлари муносабати билан бир гуруҳ совет ёзувчилари қатори таниқли ўзбек адиби Раҳмат Файзий ҳам «Польша Халқ Республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби» унвонига сазовор бўлди.

Р. Файзий яқинда кўп миллатли совет адабиётини, хусусан ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди, унга «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» деган фахрий унвон берилди.

Севимли адибимиз, камтарин Ҳазрати инсон Раҳмат Файзий инсон меҳри ва ижод сеҳри оғушида, миннатдор юраклар ардоғида.

Н. НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси секретари.

Раҳмат Файзий устоз адиблар Сергей Михалков ва Комил Яшинлар даврасида.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Бу учрашув яқинда Октябрь революцияси номли заводда бўлди. Раҳмат Файзийнинг ана шу машҳур завод коллективи билан учрашувида рамзий маъно бор эди. Завод «Туркистонда революция бешиги», «Ишчи қалъаси», «Пролетар кадрлар маскани» деган номлар олган. Бу ерда юзлаб давлат ва партия арбоблари етишиб чиқишган. Раҳмат Файзийнинг меҳнат биографияси ҳам шу ердан бошланган. У мана шу ерда меҳнаткаш инсонга чуқур ҳурмат руҳини қалбига жо қилган. Кейинчалик унинг асарларида ишчилар мавзуси етакчи бўлганлиги, бежиз эмас.

Ёзувчи завод механизмларига ўзининг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида, режалари тўғрисида гапириб берди.

Завод ветерани В. С. Донец, ишчи-ёшлар мактаби ўқитувчиси И. Д. Баскис ва бошқа китобхонлар корхона коллективи номидан ёзувчига яхши китоблари учун ташаккур билдирдилар. Унга янги ижодий ғалабалар тиладилар.

Раҳмат Файзий учрашув охирида шундай деди:

— Бугунги суҳбатимиздан жуда мамнунман. Мен ана шундай учрашувларда янги ижодий материаллар оламан. Меҳнат кишисининг қалб саховати ёзувчи учун битмас-туганмас илҳом манбаидир.

АТРОФДА ОДАМЛАР БОР

Антон Павлович Чеховнинг «Ҳасрат» деган ҳикояси кўпчиликка маълум. Извошчининг вояга етган ўғли нобуд бўлади. Извошчи ёнига ким ўтирса, ўғлининг ўлиб қолганини айтиб ҳасрат қилади. Аммо унинг дардини ҳеч ким эшитишни истамайди. Бировга шошилиб турибди, яна бировнинг ичиб олган, кайфияти жойида. Извошчининг дарди билан нима иши бор? Охири извошчи кечаси отига хашак едира туриб ҳасратини айтиб йиғлайди. Фақат шу жонивор унинг дардига ҳамдардлик билдиргандек туюлади.

Бундан уч йилча илгари «Правда» газетасида бир мақола эълон қилинди. Унда бугунги кундаги Америка ҳаёти ва адабиёти ҳақида гап кетади. Кейинги йилларда Петр Шафернинг «Экус» — «Отлар» деган драмаси Қўшма Штатларда сўнгги ўн йилликнинг энг яхши драматик асари деб топилгани баён қилинади. Хўш, бу асар нима тўғрисида? Бу асарнинг бош қаҳрамони ҳам отбоқар. Ёш отбоқар йигит эсдан оғиб қолади. Касали тутган пайтда отларнинг кўзини ўйиб ола бошлайди. Ота-онаси кўп телевизор кўргани учун ўғлимиз бетоб бўлиб қолди деб ўйлашади. Кўни-қўшнилари эса «сизлар ҳали телевизорга қаршимисизлар» деб уларга туҳмат қилишади. Бемор йигитни кўрган психиатор врач эса йигитча шу ҳолда юрганини маъқул, шу туришда у ўзини бахтиёр ҳисоблаяпти, деган хулосага келади. Хуллас асар қаҳрамонларининг ҳеч қайсиси бир-бирини тушунмайди. Бир-бирининг дардига шерик бўлишни хоҳламайди.

Албатта, ҳар қандай жамиятда ҳам одамнинг бошига ташвиш тушиши мумкин. Лекин бошга ташвиш тушиши бошқа, бошига оғир кун тушганида биронта ҳамдард топилмаслик бошқа. Инсоннинг бораргa боғи, борарга тоғи қолмаса бувергани маъқул. шу туришда у ўзини бахтиёр ҳисоблаяпти, деган хулосага келади. Хуллас асар қаҳрамонларининг ҳеч қайсиси бир-бирини тушунмайди. Бир-бирининг дардига шерик бўлишни хоҳламайди.

Албатта, ҳар қандай жамиятда ҳам одамнинг бошига ташвиш тушиши мумкин. Лекин бошга ташвиш тушиши бошқа, бошига оғир кун тушганида биронта ҳамдард топилмаслик бошқа. Инсоннинг бораргa боғи, борарга тоғи қолмаса буюлар. СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг ва секретариатининг аъзоси, проза советининг раиси, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номли республика мукофотларини бериш комитетининг, ВЦСПС ва СССР Ёзувчилар союзи Бутуниттифоқ конкурсининг, Тинчликни сақлаш комитетининг, шунингдек қатор нашриёт, адабий-бадиий журналлар кенгашларн ва коллегиялари аъзоси, Бутуниттифоқ авторлик ҳуқуқи агентлиги Ўзбекистон бўлимининг бошлиғи Р. Файзийнинг олиб бораётган жамоат ишлари ҳам эътиборга лойиқ дир.

Раҳмат Ф а й з и й «Ҳурмат белгиси» ордени, қатор медаллар, Ўзбекистон, Белоруссия, Молдавия ССР Олий Советлари Президиумларин и н г Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилган.

Адибнинг тўйи арафасида Варшавадан хушхабар келди. У ерда ўтказилган совет адабиёти кунлари муносабати билан бир гуруҳ совет ёзувчилари қатори таниқли ўзбек адиби Раҳмат Файзий ҳам «Польша Халқ Республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби» унвонига сазовор бўлди.

Р. Файзий яқинда кўп миллатли совет адабиётини, хусусан ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди, унга «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» деган фахрий унвон берилди.

Севимли адибимиз, камтарин Ҳазрати инсон Раҳмат Файзий инсон меҳри ва ижод сеҳри оғушида, миннатдор юраклар ардоғида.

Н. НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси секретари.

Раҳмат Файзий устоз адиблар Сергей Михалков ва Комил Яшинлар даврасида.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Бу учрашув яқинда Октябрь революцияси номли заводда бўлди. Раҳмат Файзийнинг ана шу машҳур завод коллективи билан учрашувида рамзий маъно бор эди. Завод «Туркистонда революция бешиги», «Ишчи қалъаси», «Пролетар кадрлар маскани» деган номлар олган. Бу ерда юзлаб давлат ва партия арбоблари етишиб чиқишган. Раҳмат Файзийнинг меҳнат биографияси ҳам шу ердан бошланган. У мана шу ерда меҳнаткаш инсонга чуқур ҳурмат руҳини қалбига жо қилган. Кейинчалик унинг асарларида ишчилар мавзуси етакчи бўлганлиги, бежиз эмас.

Ёзувчи завод механизмларига ўзининг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида, режалари тўғрисида гапириб берди.

Завод ветерани В. С. Донец, ишчи-ёшлар мактаби ўқитувчиси И. Д. Баскис ва бошқа китобхонлар корхона коллективи номидан ёзувчига яхши китоблари учун ташаккур билдирдилар. Унга янги ижодий ғалабалар тиладилар.

Раҳмат Файзий учрашув охирида шундай деди:

— Бугунги суҳбатимиздан жуда мамнунман. Мен ана шундай учрашувларда янги ижодий материаллар оламан. Меҳнат кишисининг қалб саховати ёзувчи учун битмас-туганмас илҳом манбаидир.

3 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

18 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

физкультура ва СПОРТ

XV шаҳар спартакиадаси давом этмоқда

ИШОНЧЛИ ОДИМ БИЛАН

XV шаҳар спартакиадасининг тантанали очилиши томошабинларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Улар «Старт» стадионида 800х400х200х100 метрга ўтказилган югуриш мусобақаларининг гувоҳи бўлишди. Бу ерда Фрунзе районининг командаси ғолиб чиқди. Бу команда шаҳар спартакиадаси натижасини ўн секундга яхшилашга муваффақ бўлди. Ҳа, енгил атлетикада тезлик ҳам, маҳорат ҳам, оммавийлик ҳам ошиб бормоқда.

Янгибозор шоссесида велосипед пойгаси бўйича ўтказилган мусобақада жуда кўп кучли спортчилар иштирок этишди. Уларнинг ҳаммаси биринчи разрядли спортчилар эди. Шунингдек, уларнинг орасида бирнеча ўнлаб спорт мастерлари ҳам бор эди. Фақат дастлабки саккиз ўринни эгаллаган ва биринчи разряд нормасини бажарганлargагина очко берилиши район командалари ўртасидаги мусобақаларни ниҳоятда кескин вазиятда ўтишига сабаб бўлди. Айниқса шахсий пойгада бу нарса яққол сезилиб турди. Беллашувда Куйбишев районининг вакиллари ғолиб чиқишди. Фрунзе райони командаси иккинчи, Собир Раҳимов райони командаси учинчи ўринни эгаллади.

Шуни афсус билан айтиш керакки, велосипедчилар команда пойгасини ўтказишга яхши тайёргарлик кўрмаганликлари маълум бўлиб қолди. Ҳеч бир команда биринчи разряд натижасини кўрсата олмади. Шунинг учун ҳам низомда белгиланганига кўра қатнашчиларга зачет очколар берилмади.

Шахмат. Юзаки қараганда спортнинг энг осойишта тури ҳисобланади. Аммо турнирда авж олган тортишувлар ва беллашувларни кўрганингизда бу нарса юзаки экэнлигига ишонч ҳосил қилар эдингиз. Горький номли маданият ва истироҳат боғида ўтган бу баҳсларда ғолиблик учун кураш кескин вазиятда борди. Дастлабки босқич мусобақаларида муваффақиятли қатнашган Собир Раҳимов районининг командаси бу сафар ҳам бўш келмади. Улар ўз группасида иккинчи ўринни эгаллаган Фрунзе райони шахматчиларини етти очко орқада қолдириб кетишга эришдилар. Спорт мастерлигига кандидат Рашид Зиятдиновни ҳақли равишда команданинг энг пешқадам ва моҳир шахматчиси деса бўлади. У ўтказилган барча учрашувларни ғалаба билан якунлашга муваффақ бўлди. Иккинчи группадан Ленин райони командаси финалга чиқди. Бу командалар ўртасидаги ҳал қилувчи учрашувда Собир Раҳимов райони шахматчилари ғолиб чиқишди ва спартакиада чемпиони унвонини қўлга киритишди. Учинчи ўринни Киров районининг командаси эгаллади.

Стол тенниси шаҳримизда энг оммалашган спорт турларидан бири ҳисобланади. Деярли ҳар бир ташкилот ва корхонада стол тенниси билан шуғулланилади. Тушки овқат пайтида ва ишдан кейин стол тенниси бўйича турнирлар ўтказиб турилади. Шунинг учун ҳам район терма командаларини ташкил қилишда ҳеч қандай қийинчиликка дуч келинмади. Чунки беллашувда қатнашиш ниятида бўлган теннисчилар жуда кўп эди.

Дастлабки босқич мусобақаларидан кейин финалга Ҳамза ва Киров районининг командалари чиқишди. Ҳал қилувчи учрашувда 4:2 ҳисобида ғолиб чиққан Ҳамза районининг спортчилари спартакиада чемпиони бўлишди. Учинчи совринли ўринни Собир Раҳимов районининг вакиллари қўлга киритдилар.

М. ОТАХОНОВ,
В. СТУЛИН.



Юқоридаги суратда Ҳамза ва Фрунзе районларининг волейболчи аёллар командалари ўртасидаги учрашув тасвирланган. Бу беллашувда Ҳамза районининг волейболчилари 3:1 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Ўнгдаги суратда Ҳамза райони спортчиларини 72:56 ҳисобида енгган Собир Раҳимов районининг баскетболчилари. П. АЛЕКСАНДРОВ фотолари.

Ўқувчилар спартакиадасида

▲ БОКС

ҒАЛАБА МУБОРАК!

Пойтахтимизда бокс бўйича қандай мусобақа ўтмасин — у республика чемпионати ёки СССР биринчилиги, СССР кубоги мусобақаси ёхуд оддий турнир бўлсин, қизиқиш доимо катта бўлади. Бунинг боиси бор: ахир тошкентлик таниқли чарм қўлқоп усталари Дмитрий Грубов, Владимир Шин, Феликс Пак, Ренат Ҳайрутдинов, Илғор Эгамбердиевлар иштирокида ўтадиган олишувлар кимни ҳаяжонлантирмайди, дейсиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. Мактаб ўқувчиларининг XV Бутуниттифоқ спартакиадаси программасидаги бокс мусобақалари бўлиб ўтган «Меҳнат резервлари» спорт зали беш кун мобайнида ишқибозларнинг севимли жойига айланди. Улар мамлакатимиз шуҳратини жаҳонга танитган Владимир Енгибарян, Дан Поздняк, Руфат Рисқиев, Василий Соломин каби ажойиб спортчиларнинг муносиб ўринбосарлари — бўлажак олимпиадачиларнинг қизиқарли олишувларига гувоҳ бўлдилар.

Спортнинг бокс тури спартакиада программасига илк бор 1967 йилда киритилган эди. Ўшанда, Ленинградда ўтказилган X спартакиадада тошкентлик спортчи, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев номи тилга тушган, унинг катта рингга йўли шу ердан бошланган эди. Ўзбекистон терма командаси мазкур мусобақаларда олтинчи ўринни эгаллаган, бунда тошкентлик боксчилар та олтин, битта кумуш ва учта бронза медали билан тақдирландилар. Терма команда умумий ҳисобда энг кўп очко тўплаб биринчи ўринни эгаллади. Ажойиб муваффақият!

Бу ғалабада, сўзсиз, пойтахтимиз ёш вакилларининг ҳиссалари каттадир.

54 килограмм оғирликдаги боксчиларнинг ҳал қилувчи баҳслари бошланғунга қадар республикамиз терма командасининг медаллар жамғармасида олтин медаль йўқ эди. Шу туфайли Виталий Ларюшин зиммасида масъулиятли вазифа турарди. Тошкентлик тренер Яков Веньяминовнинг 17 ёшли шогирди Белоруссия ССР вакили Николай Кузьменкога қарши жуда аниқ ҳаракат қилди. Уччала раундни ҳам кўтарилиб руҳда ўтказиб спартакиада унвонини қўлга киритди.

Бир вазн-тоифада баҳслашган яна икки тошкентлик боксчи — Михаил Боровский ва Георгеос Михослар барча саралаш учрашувларини муваффақият билан якунлаб, финалга чиқдилар. Ҳар иккала спортчида ҳам ғолиб чиқиш учун имкониятлар катта эди. Михаил Боровский бокс бўйича ихтисослашган 8-болалар-ёшлар спорт мактабида ўқийди. СССР Маориф министрлиги биринчилиги ғолиби. Георгеос Михос эса ёшлар ўртасида республика чемпиони, СССР биринчилигининг совриндори. Бу икки тенгдошнинг ҳал қилувчи олишуви разведкасиз бошланди. Михаил дарҳол ташаббусни қўлга олди. Лекин қарши ҳужумларни аниқ зарбалар билан якунлаган Г. Михос спартакиада чемпиони бўлди. М. Боровский иккинчи ўринни эгаллади. Совриндорлар сафидан ҳамшаҳарларимиз Игорь Гребенюк, Ҳасан Муҳамедовлар ҳам ўрин олишди. Бу натижалар Тошкентда ветеранларимизга муносиб ўринбосарлар етишиб чиқаётганидан далолат бериб турибди. Малакали боксчилар етиштиришда эса тренерларнинг хизмати катта. Умумкоманда ғалабасини таъминлаганлари учун Яков Веньяминов, Февзи Османов ва бошқалар ҳақли равишда фахрлансалар арзийди.

▲ СУВГА САКРАШ

ЯКУН ЧИҚАРИЛДИ

Митрофанов номли сув спорт саройи ва армия спорт клубининг сузиш ҳовузларида бўлган сувга сакровчиларнинг баҳси ниҳоясига етди. Мусобақаларнинг сўнгги кунида ўсмирлар ва қизлар ўн метрли минорадан сувга сакраш бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Ўн олти ёшли тошкентлик спортчи Евгений Сиротин мусобақада қатнашган барча тенгдошларидан яхши натижа кўрсатди. Ҳали ёш бўлишига қарамасдан СССР спорт мастери унвонига эга бўлган бу спортчи умумий якунда 487,11 балл тўплаб ўқувчилар Бутуниттифоқ XV спартакиадасининг чемпиони бўлиш бахтига муяссар бўлди. У кумуш медаль билан тақдирланган грузиялик Иосиф Элбакидзени ўн саккиз балл ортда қолдириб кетишга эришди.

Қизлар ўртасида бўлган баҳсда Ереванлари «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг вакили Сильва Эмирзян ғолиб чиқди. Республикамиз терма командасининг аъзоси В. Лаврентук умумий якунда 315,96 балл тўплашга муваффақ бўлди. Бу унга турнир жадвалининг тўртинчи погонасидан жой олиш имконини берди.

Бир неча кун давом этган қизғин баҳслардан кейин командалар орасида РСФСР терма командаси энг кўп очко тўплади. Иккинчи ўринни Арманистон ССР вакиллари эгаллашди. Учинчи ўринга эса ленинградлик ёш спортчилари кўтарилишди. Республикамизнинг вакиллари саккизинчи ўринни эгаллашди.

Ўсмирлар ўртасида бўлган баҳсда вакилларимиз қизларга нисбатан дуруст қатнашдилар. Улар умумий якунда еттинчи ўринни қўлга киритишди. Бу ерда ҳам команда ҳисобидаги беллашувларда РСФСР командаси ғолиб чиқади.

Ўсмирлар ва қизлар умумий якунда турнир жадвалининг юқори погоналаридан жой олишга эришмаган бўлсаларда республикамиз терма командаси жамғармасига муҳим очколар келтиришга эришдилар. Маълумки бу очколар халқларининг XIV ёзги спартакиадаси ҳисобига қўшилади.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/IX да **Оламнинг яратилиши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/IX да **Концерт**, 20/IX да **Гулбаҳор қани?**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/IX да **Чандиқлар**, 20/IX да **Чандиқлар.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИ — ДЎСТЛАР ДУНЕСИ» АТТРАКЦИОНИ (ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Тихонов).

КИНО

18 СЕНТЯБРДА

«ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — **Санъат саройи.**

«САЛОМАТЛИК ВА ДИН» — **Нукус.**

«ОКТЯБРЬ СЎЗЛАЙДИ» — **Янгиобод.**

«МЕҲРИБОН КИШИЛАР» — **Кўнғча.**

«УЙДАГИЛАРГА ЁРДАМ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«БОЛТИҚБЎЙИ ЎРМОНЛАРИДА» — **Фестиваль.**

«ҚАЁРДАСАН, ЗУЛФИЯМ?» — **Янгиобод, Ғ. Ғулом номли.**

«ПЯТНИЦКИЙ КЎЧАСИДАГИ ҚОВОҚХОНА» — **Санъат саройи** (катта зал).

«ЮЛИЯ ВРЕВСКАЯ» — **Москва, Восток, Нукус.**

«ҒАЛАТИ АЁЛ» — **Санъат саройи** (кичик зал).

19 СЕНТЯБРДА

«ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — **Санъат саройи.**

«САЛОМАТЛИК ВА ДИН» — **Нукус.**

«ОКТЯБРЬ СЎЗЛАЙДИ» — **Янгиобод.**

«МЕҲРИБОН КИШИЛАР» — **Кўнғча.**

«УЙДАГИЛАРГА ЁРДАМ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«БОЛТИҚБЎЙИ ЎРМОНЛАРИДА» — **Фестиваль.**

«РАССОМ АРКАДИЙ ПЛАТОВ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ҚАЁРДАСАН, ЗУЛФИЯМ?» — **Янгиобод, Ғ. Ғулом номли.**

«ПЯТНИЦКИЙ КЎЧАСИДАГИ ҚОВОҚХОНА» — **Санъат саройи** (катта зал).

«ЮЛИЯ ВРЕВСКАЯ» — **Москва, Восток, Нукус.**

«ҒАЛАТИ АЁЛ» — **Санъат саройи** (кичик зал).

Тошкент автомобиль йўллари институти томонидан **Мўминов Иркин Нурматович** номига берилган 001927 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР
ҚИЛИНАДИ

«Главташкентстрой»нинг саноат корхоналари бошқармасига қарашли Тошкент керамзит заводининг ёнилғи-мойлаш материалларини оладиган йўқолган

4 та штампи

ва ремонт-механика цехининг йўқолган

штампи

БЕКОР
ҚИЛИНАДИ

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

18 — 19 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

«ТАБАССУМ» РЕДАКЦИЯСИНИНГ ИЖОДКОРЛАРИ ВА ИЖРОЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА

V АНЪАНАВИЙ «ТАБАССУМ» КЕЧАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ.

ПРОГРАММАДА: сатира ва юморлар, ҳажвия ва аскиялар, интермедия ва ҳазил қўшиқлар, ҳажв усталарининг чиқишлари, Ўзбекистон санъат усталари ва ёш санъаткорлар ижросида қўшиқ ва рақслар.

«ТАБАССУМ» КЕЧАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

«ЭГЗОТИК ҲАЙВОНЛАР»

ЯНГИ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ТОШКЕНТ ЦИРК АРЕНАСИДА БИРИНЧИ МАРТА

АМЕРИКА БИЗОНИ

Ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист ВИТАЛИЙ ТИХОНОВ.

АНАТОЛИЙ СТОЙКОВНИНГ АФРИКА БЎҒМА ИЛОНИ БИЛАН ОЛИШУВИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.

44-35-91, 44-35-84 телефонлари бўйича справка олиш мумкин.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

«МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА САВДО ЗАЛИНИНГ УЧИНЧИ ҚАВАТИДА

19—23 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ

ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ.

Савдо-кўргазмасида бой ассортиментда шерсть, ярим-шерсть, синтетик ва ип-газламаларидан ҳар хил замонавий моделларда тикилган трикотаж буюмлар намойиш қилинади.

САВДО-КЎРГАЗМАСИ КУНЛАРИДА СИЗ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ОРБИТА

ТОВАРЛАР — ХАЛҚҚА

«ВЕГА—312 —СТЕРЕО» РАДИОЛАСИ

«ВЕГА — 312 — стерео» радиоласи — мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган стереофоник радиолаларнинг энг компактлиларидан бири бўлиб, у ҳамма тўлқинларда ишлайди.

Радиоланинг акустик системаларини кичик хонага ҳам қулай қилиб жойлаштириш мумкин.

«ВЕГА — 312 — стерео» радиоласида хоҳлаган стерео ва моно грампластинкаларни қўйиб тинглашингиз мумкин.

Микролифт ва автостоп пластинкаларни шикастланишдан сақлайди.

РАДИОЛА ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН.

Баҳоси — 171 сўм.



ЦКРО «ОРБИТА»

Телевизор экранида

18 СЕНТЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

17.00 «Табиат». Телевизион журнал. 17.45 «Қувноқ стартлар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Болаларга аталган шеърлар». 19.00 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув. 19.40 «Учинчи йил — зарбдор йил». Кўрсатувда Украина КП Ровний область комитетининг биринчи секретари Т. И. Панасенко иштирок этади. 20.25 «Опера билан учрашув». Ж. Верди. «Бал-маскарад». Милан Ла Скала театрининг 200 йиллигига. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Бал-маскарад». Ж. Верди операси (давоми). 23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденниесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Энг азиз». Болалар учун мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосарингмиз, комсомол». 18.40 «Беш йилликнинг уч йиллик плани — СССР Конституциясининг йиллигига». 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.25 «Зейнаб Люманова куйлайди». Программада татар қўшиқлари». 20.00 Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси. Футбол. Ўзбекистон — Эстония. 2-тайм. «Старт» стадионидан олиб кўрсатилади. (17 сентябрь куни ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Самарқанд тонги». Самарқанд опера ва балет театри солистлари иштирокида концерт. 21.30 Москва. «Вақт». информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Кэнонир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм 1-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ёшлик асаси». Бадиий фильм. 20.30 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Совет филателияси комсомол ҳақида» (рус.). 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 «Чарлаш маликаси». Телевизион фильм-концерт.

19 СЕНТЯБРЬ —СЕШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

17.40 «Етилган бошоқлар палласи». 1978 йилги йиғим-терим мавсумида Оренбург ёшларининг меҳнати ҳақида. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Хотиралар кечаси». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Г. Березко. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Станиляно концерт студиясида Ю. Друнина шеърияти кечаси. 23.15 Г. Берёзка номли хизмат кўрсатган Украина Давлат академик халқ хорининг концерти. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденниесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Болаликнинг сўнгги ёзи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 12.35 «Ғ. Ғулом поэзиясида ватанпарварлик ва интернационализм мавзуи». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун. «Юлдузча». 18.30 «Асса». Телевизион фильм-концерт. 18.45 «Сифат ва самарадорлик — лиқат марказида». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кино ҳақида суҳбатлашамиз» (рус.). 20.10 Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси. Сув полоси. Ўзбекистон — РСФСР (Ленинград). Митрофанов номли Сув спорти саройидан олиб кўрсатилади. (18 сентябрь куни ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ёшлар куйлаганда». А. Акбарова, Ф. Хидиров. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Кэнонир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Меҳрибон кишилар оласида». Бадиий фильм. 20.20 «Новеллалар кутубхонаси». Бадиий ўқиш. 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 Эстетика асослари. «Гўзаллик ва ҳунуклик» рус.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

1-ҲИСОБЛИК КОМБИНАТИНИНГ

31-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

қурилиш ишларини бажариш муносабати билан Ғ. ҒУЛОМ КЎЧАСИДА БИР ИЙНАЛИШДА ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТАДИ.

Ўрта Осиё Медицина педиатрия институти ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари ҳамда одамнинг нормал анатомияси кафедраси коллективи кафедра доценти Т. Д. Абдазимовга отаси

Донмер АБДАЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент Политехника институти ректорати «Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси» кафедрасининг доценти Х. Қ. Косимовга онаси

Ҳолпошшахон ҚОСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

18 СЕНТЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП. Тошкент, Ленин проспекти 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-68; саноат 32-55-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиет ва санъат— 32-58-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва хорижий ватанлар бўлими — 32-58-85 хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-44, 38-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-30.

Р—02703. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1409.